

Ўлим жазосини бекор қилиш босқичлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасига кўра яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” номли маърузасида ислоҳотлар жараёнига бевосита боғлиқ устувор вазифаларни бешта йўналишда амалга ошириш зарурлигини таъкидлар экан, ҳар бир йўналишда ечимини топиши лозим бўлган долзарб масалалар юзасидан дастурий ғояларни баён қилди.

Бошқа соҳаларда изчил давом этаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш жараёнида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Суд – ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни қайд этиш билан бирга, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар бор”¹. Чунончи, ушбу соҳадаги ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан бири - бу жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш эканлиги, шунингдек, ўлим жазосига мораторий қўллаш эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш лозимлиги таъкидланди.

Ўлим жазоси – давлат томонидан, қонунга мувофиқ, суд ҳукми билан инсонни ҳаётдан маҳрум қилишдан иборатдир. Мутахассисларнинг фикрича, ўлим жазосининг келиб чиқиш сабабларини одамларнинг ёки оилаларнинг бири-биридан қасос олиш одатидан излаш лозим. Дастлабки даврларда одамлар ўртасида қасос олиш одати пайдо бўлган бўлса, кейинчалик оила. Институтининг пайдо бўлиши ушбу функциянинг оилага ўтишига олиб келди. Лекин қасос олиш вазифаси оилада ҳам кўп сақланиб қолмади. Чунки давлат пайдо бўлиб, ўлим жазоси фақат давлатнинг ваколатига айланди.

Ўлим жазосининг қадимда ва ўрта асрларда мавжуд бўлган жуда кўп тури ҳозирга келиб ўнтагача қисқарди. Ҳозирги дунёда ўлим жазосининг энг кўп тарқалган турлари: отиб ўлдириш ва осиб ўлдириш, улардан кейин электр стулида ва инъекция қилиб ўлдириш, шунингдек, газ камерасида ўлдириш ва бошини танасидан жудо қилиш турлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил сентябрда ўз мустақиллигини эълон қилди. Лекин эндигина мустақилликка эришган ватанимизда асосан эски совет мафқурасига асосланган ва у билан йўғрилган муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунлар мерос қолиб, ҳамон амал қилмоқда эди. Ҳеч кимга сир эмаски, собиқ СССР давлати таркибидаги Ўзбекистон ССР жиноят қонунларининг 33-моддасидаги жиноятлар учун ўлим жазоси қўлланилиши

* ТДЮИ доценти, ю.ф.н.

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005. 48-б.

моддаларнинг санкцияларида берилган эди. Ҳаттоки, Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 119¹-моддасида, яъни давлат ёки жамоат мулкни жуда кўп миқдорда талон-торож қилганлиги учун мол-мулкни мусодара қилиб, ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан ёки мол-мулкни мусодара қилиб, ўлим жазоси билан жазоланади дейилган эди. Бундай ҳолат Жиноят кодексига шарҳларда шундай изоҳланган эди: “Бу жиноятнинг энг муҳим белгиси жуда кўп миқдор ҳар бир иш ҳолатларини аниқлаш ва ҳисобга олиш натижасида белгиланади. Бунда талон-торож қилинган мулкнинг миқдори ва ҳажми, қиймати халқ хўжалигида тутган ўрни ва аҳамияти, жиноятнинг содир қилиниш шароити, жойи, вақти ва бошқалар ҳисобга олиниши керак. Ҳозирги вақтда суд амалиётида кўпинча талон-торож қилинган мулкнинг қиймати 10 000 сўмдан ортиқ бўлса, жуда кўп миқдорда Давлат ёки жамоат мулкни талон-торож қилиш деб баҳо берилади. Баъзи алоҳида ҳисобда турадиган ва қимматбаҳо ашёлар талон-торож қилинса, уларнинг умумий нархи 10 сўмдан оз бўлса ҳам 119¹-модда билан квалификация қилиниши мумкин”².

Бундан кўришиб турибдики, инсоннинг ҳаёти ўз меҳнати билан ўзи яратган қандайдир моддий қийматга эга бўлган мулкдан ҳам қадрсиздир.

Биз диққатларингизни ўзларини адолатпараст демократик давлат деб дунёга жар солаётган АҚШ ва баъзи Европа давлатларининг ҳали хануз жиноят қонунларида ўлим жазоси олиб ташланмаган бир вақтда 17 йил ичида адолатли юртбошимиз томонидан амалга оширилди, яъни 2008 йил 1 январдан бошлаб, ўлим жазоси кўрсатилган бутун моддаларида ўлим жазоси ўрнига умрбод озодликдан маҳрум этиш ва узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш жазolari билан алмаштирилди.

1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниб, унга асосан инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият деб эълон қилинди. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги ва инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят деб белгиланди.

Янги Конституциямиз асосида ишлаб чиқилиб, 1994 йил сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил апрелда кучга кирган Жиноят кодексига 13 та модда бўйича яъни: жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модда 2-қисми), номусга тегиш (118-модда 4-қисми), жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш (119- модда 4-қисми), агрессия (151-модда 2-қисми), урушнинг қонун ва удумларини бузиш (152-модда), геноцид (153- модда), терроризм (155-модда 3-қисми), давлатга хоинлик қилиш (157-модда 1-қисми), Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш (158-модда 1-қисми), жосуслик (160-модда 1-қисми), жиноий уюшма ташкил этиш (242-модда 1-қисми), контрабанда (246-модда 1-қисми), гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш (272-модда 2- қисми) жиноятлари бўйича ўлим жазоси қолдирилди, холос. Бу ҳолат эндигина мустақил бўлган ва ўз хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилган республиканинг эҳтиёжларига мос келар эди, албатта. Лекин

² Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. –Т.: Ўзбекистон, 1988. 296-б.

кўп ўтмасдан 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Жиноят кодексига кўшимча ва ўзгартишлар киритилиб яна 5 та жиноятнинг санкциясидан ўлим жазоси (ЖКнинг 119-моддаси 4-қисми, 152-моддаси, 158-модданинг 1-қисми, 160-модданинг 1-қисми, 246-модданинг 1 қисмидан) чиқарилди.

Олий Мажлиснинг 2-чақириқ олтинчи сессиясида Президентимиз И.А.Каримов томонидан қилинган “Адолат қонун устуворлигида” номли маърузада жиноят қонунчилигига оид сиёсатимизда жинойий жазоларнинг либераллаштириш истиқболлари белгилаб берилди. Шу сессияда 2001 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан “Жинойий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва кўшичалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди ва унинг асосида Жиноят кодексига яна 4 та жиноятнинг санкциясидан (ЖКнинг 118-моддаси 4 –қисми, 157-моддаси 1-қисми, 242-моддаси 1-қисми, 272-моддаси 2- қисмидан) ўлим жазоси чиқарилди.

2004 йил 29 августда Жиноят кодексига яна 2 та жиноят санкциясидан (ЖКнинг 151-моддаси 2-қисми, 153-моддасидан) ўлим жазоси чиқарилди. Ва ниҳоят, 2008 йил 1 январга келиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидан ўлим жазоси назарда тутилган сўнгги иккита: жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (97-модда 2-қисми) ва терроризм (155-модда 3-қисми) жиноятдан ўлим жазоси чиқариб ташланди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди. Қолаверса миллий қонунчилигимиз бўйича умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлларга, олтмиш ёшдан ошган эркекларга ва ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосининг киритилиши борасидаги муҳим вазифалар – биринчидан, жамоатчилик ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишларини олиб боришни йўлга қўйиш бўлиб, ушбу жараёнда аҳолига ўлим жазосидан воз кечиш сабабларининг мазмун-моҳияти чуқур тушунтирилиши, иккинчидан, хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилиб таҳлил қилиниши ва қонунчиликда тегишли кўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши, учинчидан, ўлим жазоси ўрнига тайинланадиган умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси ижросини таъминлашга қаратилган ташкилий чоралар кўрилиши лозим.